

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ҚАЙИҚ ДАРЁГА БОРМАСА... ДАРЁ ҚАЙИҚҚА КЕЛАДИ

Ўқувчим, биласизми? Ҳозир ҳам ҳамма севиб томоша қиладиган ўша “Шум бола” киносида Эшон ролини ўйнаган Эргаш Каримов шум бола ролидаги Қорабойга айтган бир гапи бор: “...бўтам, ўқинг! Хўпми? Мени айтди дерсан, ўқисанг кам бўлмайсан...” деган. Бу билан Сизга айтмоқчи бўлганим Сиз ҳам ўқинг! Ўқиганда ҳам билиб ўқинг, танлаб ўқинг!



Азиз ўқувчим! Сизга бир саволим ҳам бор. Ҳаётингиз давомида бирон-бир газета-журналга обуна бўлганмисиз? Уни интиқиб кутган дамларингизчи? Ундаги маънавият, маърифатга етакловчи мақолаларни ўқиб лаззатланганмисиз? Билсангиз, ўқиш ҳам лаззат! Агар сиз шуларни ҳис қилган бўлсангиз демак, сиз маънавиятли, маърифатли, зиёли инсонсиз.

Сиздан буларни нима учун сўраётганимни биласизми? Сизда бугун яна бирон-бир нашрга обуна бўлиш истаги пайдо бўлганда хаёлингизга обуна бўлиб нима қиламан, ҳозир техника ривожланган аср бўлса, интернет орқали ҳамма нарсани билиш мумкин-ку, деган қарама-қарши фикр келса, асло обуна бўлиш фикридан ҳам қайтманг! Чунки интернет тараққиёт чўққисидан ошиб кетган тақдирда ҳам газета-журналнинг ўрнини асло босолмайди. Йўқса, ҳозирда тараққиёт борасида олдинлаб кетган, мана-ман, деган давлатларда ҳам битта газета бир кунда миллионлаб нусхада уч марта лаб дунё юзини кўрмас эди.

Кези келганда сизга яна бир гапни айтиб қўяй: Сизни ёки фарзандларингизни идораданми ёки мактабданми газета-журналга обуна бўл, дея ниқташса ўқсинманг, фақат ўзингиз хоҳлаган нашрга аъзо бўлишингизни айтинг! Ахир, ёш болани мажбурламасангиз дарс қилмайди-ку... Айтмоқчи бўлганим, эзгуликни мақсад қилган мажбурийликдан қўрқманг.

Узр, анча вақтингизни олдим. Ҳасратингни кимгадир тўкиб-солишинг керак-ку. Майли, нима бўлганда ҳам вақтингизни ножоиз гаплар билан олмадим, деб ўйлайман.

Сизга сўнги айтар сўзим, мабодо, 2020 йилга менга обуна бўлмаган бўлсангиз ҳеч ўйланманг, мана шу қиёфадошим йил давомида Сиз билан бирга бўлади. У Сизни ўз маълумотларидан ташқари мендаги хабарлардан ҳам воқиф қилиб боради. Агар Сизни қиёфадошим ранжитса ҳеч иккиланмай ўзимга айтаверинг, жазосиз қолдирмайман. Мабодо, бу ҳақда яхши фикрларингиз бўлса ҳам менга айтишни унутманг! Ахир, мақтов кимга ёқмайди дейсиз. Ўқинг, кузатинг!

Газетанинг гапларини
“Инсон ва қонун” мухбири
Ёрбек ИСКАНДАРОВ ёзиб олди.